

ШАРТНОМА №21

Тошкент шаҳар.

«11» январ 2022 йил

МЧЖ “SHARP AND SHINE” , (бундан буён матнда "Сотувчи" деб юритилувчи), номидан Низом асосида фаолият юритувчи Директор Халмухамедов Р.А., бир тарафдан, ва АТБ “Микрокредитбанк” (бундан буён матнда "Сотиб олувчи" деб юритилувчи), номидан _____ асосида фаолият юритувчи _____, иккинчи тарафдан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартнома буйича Сотувчи 2022 йил давомида ушбу шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган махсулотни Сотиб олувчига тайёрлаб беришни, Сотиб олувчи эса уларни белгиланган муддатда қабул қилиб олишни ва хақини тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Сотувчи томонидан шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган куйидаги жадвалда кўрсатилган махсулотлар етказиб берилади:

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи ҚҚСсиз (сўм)	Миқдори	Умумий суммаси
1	“СУПЕРСЕПТИК” номи остидаги антисептик воситаси	литр.	100	25 000	2 500 000
2	Флакон для антисептика 200 мл.	шт.	100	5 500	550 000
Жами					3 050 0000

2. Махсулот сифати

2.1. Тайёрлаб бериладиган махсулот сифати давлат стандартларига (ГОСТ 31696-2012), тайёрловчининг сертификати ва берилган намуна талабларига мос келиши лозим.

3. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси **3 050 000 (Уч миллион эллик минг) сўм** бўлиб, махсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йули билан амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар ҳар бир етказиб бериладиган миқдорга қараб олиб борилади.

3.2. Мазкур шартнома имзоланган кундан сўнг, Сотиб олувчи **5 (Беш) банк иш кунида** етказиб бериладиган махсулот туркумини баҳосини **100% тўловни амалга оширади**.

3.3. Агар етказиб берилаётган махсулотга (хом-ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва х.к.) кетадиган сарф-харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу махсулотнинг нархи Сотувчи томонидан ўзгартирилиши мумкин.

3.4. Тарафларнинг ёзма равишда тузилган қўшимча келишувига кўра тайёрлаб берилаётган махсулот миқдори қўпайиши (ёки камайиши) мумкин.

4. Махсулот тайёрлаб бериш шартлари

4.1. Сотиб олувчи томонидан олинadиган туркумдаги махсулот учун тегишли бўлган ҳақ Сотувчининг банк ҳисоб-рақамига келиб тушганидан сўнг, Сотувчи ушбу махсулотни шартнома муддати тугагунча узининг - Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 33-манзилда жойлашган омборхонасидан тегишли юк хати асосида Сотиб олувчига ёки унинг вакилига топширади (тайёрлаб беради). Сотиб олувчи махсулотни ўз ҳисобиданва ўз транспорт воситаси билан олиб кетади.

4.2. Сотиб олувчи ёки унинг вакили махсулотни қабул қилишда, унинг сони ва сифатини жойида текшириб кўриши шарт, махсулот қабул қилиниб, юкланганидан кейин унинг сифати ёки миқдори юзасидан Сотувчи жавоб бермайди.

4.3. Агарда Сотиб олувчи мазкур шартномада белгиланган муддатда махсулотни сотиб олмаса, Сотувчи ушбу сотиб олинмаган махсулотни ўз ихтиёрига кура бошқа шахсга сотишга ҳақлидир ва бунда Сотиб олувчи махсулотни ўз вақтида сотиб олмаслик натижасида Сотувчига етказилган зарарни ва бой берилган фойдани коплаши лозим.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Сотувчи:

а) шартномада кўрсатилган махсулотни белгиланган микдорда ва муддатларда Сотиб олувчига ёки унинг вакилига топшириш (етказиб бериш);

б) тайёрлаб берилмаган махсулотнинг сифати ва нави давлат стандартларига (ГОСТ 31696-2012) мувофиқ бўлишини таъминлаш;

в) агарда махсулот тўла микдорда тайёрлаб берилмаган бўлса, махсулотнинг тайёрлаб берилмай қолган қисмини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида тайёрлаб бериш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

5.2. Сотиб олувчи:

а) шартноманинг 3.2. бандида кўрсатилган тўловларни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

б) махсулотни шартномада белгиланган тартибда ва муддатда қабул қилиб, олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Шартномада кўрсатилган махсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга оширмаганлик учун Сотиб олувчи Сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5% микдорда пеня тўлайди, бунда пеня суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 20% ортик бўлмаслиги лозим.

6.2. Тайёрлаб берилмаган (шартномада акелишилган) махсулотни сотиб олмаганлиги ёки сотиб олишни асосиз рад этганлиги учун Сотиб олувчи Сотувчига сотиб олинмаган ёки ўз муддатида сотиб олинмаган махсулот баҳосининг 5% микдорда жарима тўлайди.

6.3. Махсулот тайёрлаб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ёки тўлик тайёрлаб берилмаган тақдирда, Сотувчи Сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган мажбурият қисмининг 0,5% микдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси тайёрлаб берилмаган махсулот суммасининг 20% ошмаслиги лозим.

6.4. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган махсулот тайёрлаб бергани учун Сотувчи Сотиб олувчига ушбу махсулот баҳосининг 5% микдорда жарима тўлайди.

7. Форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш шартлари

7.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, кургоччилик, сув тошқини, ёнғин, сел, жала ва бошқа табиий офатлар, шунингдек, таъқиқловчи норматив ҳужжат) туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлигини (форс-мажор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу шартнома бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган тақдирда, низолар Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

9. Шартнома муддати

9.1. Ушбу шартнома тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга кириди ва 2022 йил 31 декабр санасигача амалда бўлади.

10. Тарафларнинг юридик манзили ва тўлов реквизитлари

«Сотувчи»

«Сотиб олувчи»

МЧЖ «SHARPANDSHINE»

100158, Ўзбекистан Республикаси,
Тошкент шаҳар, Бектемир тумани

Олтинтопган кўчаси, 33 уй.

Х/р 2020 8000 7005 7990 6001

Банк Ипак Йули Миорабад ф-л

МФО: 01101 ИНН: 303 758 074

ОКОНХ: 84500 ОКЭД: 70220

Не платёльщик НДС

Цены указаны без учета НДС.

Р.А.Халмухамедов



Handwritten signatures and initials in blue ink, including a signature that appears to be "R. Halimov" and another that appears to be "Jahon".